

## «Ҳайрат ул-аброр»га ёзилган шарҳнинг 2-китоби тақдимоти ўтказилди



15:00 / 12.08.2021 1763

Жорий йилнинг 11 август куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Ҳайрат ул-аброр»га ёзилган шарҳнинг 2-китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-ноиб, юртимизнинг таниқли уламиси, Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири маслаҳатчиси Одинахон Жамолиддинова, устоз адабиётшунослар Зухриддин Исомиддинов, Қозоқбой Йўлдошев, «Маърифат» газетаси бош муҳаррири Ҳусан Карвонли, суҳандон Нажот Нур, шунингдек, [rost24.uz](http://rost24.uz) портали муҳаррири Анора Содиқова ва блогерлар ҳамда адабиёт ихлосмандлари иштирок этдилар.

Ушбу тақдимотни tarjimon.uz портали жамоаси ҳамда Илҳомиддин Алимов, IRFON TV жамоаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбарияти ташкиллаштирди.